

(1894-йил 14-декабр, Еттисув (хоз. Олмаота) вилояти Верний уезди Шаркий Тўргай волости - 1938-йил 10-феврал, Москва)

Туркистон халкининг таникли давлат ва жамоат арбоби бўлган Т. Рискулов камбагал козок чорвадори оиласида тугилди. унинг отаси Рискул Жилхайдаров волост бошқарувчиси Учкемпировни ўлдиргани учун аввал Верний шахридаги камокхонага ташланади, сўнгра Сибирга сургун қилинади (1904-05). Ёш Т. Рискулов отасининг хохиши билан камокхонага кетади. У илк сабоқни турмадаги савод чикариш мактабида олади. Сўнгра у Авлиё уезди Мерки шахридаги рус-тузем мактаби ва Бишкекдаги кишлоқ хўжалик ўқув юртини тугатади (1907-1914). Т. Рискулов 1914-йили Тошкентга келади ва турли юмушларни бажаради. У 1916-йилда чор Россиясига қарши кўтарилган миллий-озодлик курашида фаол қатнашди. 1916-1917-йилда Тошкент ўқитувчилар институтида ўқиди.

1918-1924-йилларда Т. Рискулов Туркистон Автоном Республикасида муҳим вазифаларни бажарди: Туркистон Соғлиқни сақлаш халқ комиссари (1918-19), Очарчиликка қарши кураш Марказий Комиссияси раиси (1918-19), РКП(б) ТҚП Мусулмонлар бюроси (1919-20), Туркистон АССР МИК раиси (1920-йил январ-июл), Туркистон АССР ХКК раиси (1922-йил сентябр - 1924-йил январ) лавозимларида ишлади. Т. Рискулов Туркистондаги очарчилик ва унинг дахшатли оқибатларини тугатиш учун курашди, болшевикларнинг маҳаллий халқларнинг очликдан қирғилишига бефарқ, менсимаслик муносабатини очик танқид қилди. Т. Рискулов бошчилигидаги айрим миллий коммунистлар Марказнинг шовинистик сиёсатини, Туркбюро ва Турккомиссиянинг зўравонлик қирқдорларини, қизил аскарларнинг босқинчилик ва талончиликларини очиб ташладилар. Ўлка мусулмонлари Бюроси раиси сифатида у “Турк Республикаси” ва “Турк Компартияси” тузиш ҳақидаги масалани Марказ сиёсий раҳбарияти олдига қўяди. Бироқ Марказнинг топшириғи билан Турккомиссия Туркистон халқлари бирлашишига йўл қўймади. Аксинча, уларни ажратиш чора-тадбирларини қўради.

Туркистон халқларини бирлаштириш тарафдори бўлган Рискулов лавозимидан бўшатилиб Марказга чақириб олинади. У Марказнинг назоратида: РСФСР Миллатлар иши халқ комиссарининг иккинчи ўринбосари, ушбу комиссарликнинг Озарбайжондаги Мухтор вакили лавозимларида ишлади (1920-1922). Бироқ, Туркистонда истиклолчилик ҳаракати қучайиб, сиёсий вазият кескинлашгач, у Туркистонга яна қайтарилди. Т. Рискулов истиклолчилик ҳаракатига қарши курашга раҳбарлик қилган совет давлат арбобларидан бири бўлишга қарамасдан, у истиклолчилар курашининг моҳиятини тўғри тушунган ва уларга хайрихоҳлик билан қараган эди.

Марказ 1924-йил бошидан Туркистон халқларини бўлиб ташлаш мақсадида Ўрта Осиёда миллий-худудий чегаралаш ўтказиш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборди.

Туркистон халқларининг бирлиги, Турк Республикаси ташкил қилиш тарафдори бўлган Т. Рискулов Туркистонда туришидан Марказ манфаатдор эмас эди. шунинг учун у 1924-йил февралда Марказга яна чақириб олинади. Т. Рискулов Коминтерн Ижроия Қўмитасининг Ўрта Шарқ бўлимида ишлади, Мўғулистон Республикасида ўз тажрибасини ўртоклашди (1924-1926), РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгаши раисининг муовини (1926-1936)

лавозимларида фаолият кўрсатди. У қайси лавозимда ишламасин, ҳар доим Ўрта Осиё республикалари, хусусан, Ўзбекистон ва Қозғистон манфаатларини ҳимоя қилди.

Т. Рискулов Туркистондаги 1916-йил кўзғолони ва истиклолчилик ҳаракати тўғрисида ва бошқа мавзуларда бир қатор мақолалар, асарлар ёзди. Жумладан, унинг “Инқилоб ва Туркистоннинг туб аҳолиси” (1-қисм, Тошкент, 1925) асари ҳозирги кунда ҳам қимматлидир.

Т. Рискулов 1937-йилда Москвада қамокка олинадиган ва мустақил совет тузуми томонидан 1938-йилда отиб ташланади.